



XALQ DEPUTATLARI UCHQO'RG'ON TUMANI KENGASHINING QARORI

2021 - yil 24 - dekabr

VI-42-73-6-87-K/21

Uchqo'rg'on tuman hokimligi

Наманган вилояти ҳокимининг 2021 йил 22 декабрдаги “Риззаев Жахонгир Носиржановични Учқўрғон тумани ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида”ги 433-6-0-Q/21-сонли қарорини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддаси ҳамда Наманган вилояти ҳокимининг 2021 йил 22 декабрдаги “Риззаев Жахонгир Носиржановични Учқўрғон тумани ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида”ги 433-6-0-Q/21-сонли қарорини кўриб чиқиб, халқ депутатлари Учқўрғон тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Наманган вилояти ҳокимининг 2021 йил 22 декабрдаги “Риззаев Жахонгир Носиржановични Учқўрғон тумани ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида”ги 433-6-0-Q/21-сонли қарори тасдиқлансин.

2. Риззаев Жахонгир Носиржанович Учқўрғон тумани ҳокими этиб тайинлансин.

3. Учқўрғон тумани ҳокимининг 2022 йилда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда 1-2-3-4 иловалари тасдиқлансин.

4. Мазкур “Йўл харита”ни бажарилишини ҳар ҳафта секторлар раҳбарлари (Ж.Риззаев, У.Ахунов, Д.Каримов, Б.Дехқонов)лар ҳамда туман ҳокимининг соҳалар бўйича ўринбосарлари (Б.Тўламирзаев, С.Турсунов, У.Жўраев, И.Исмаилов, М.Махкамов, С.Собитхўжаев)лар иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилсин.

5. “Йўл харита” ижроси ҳар ойда бир марта халқ депутатлари Учқўрғон тумани Кенгаши сессиясида кўриб чиқилсин ва бажарилиши юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинсин.

6. Мазкур “Йўл харита”сини ҳар бир йўналиши бўйича секторлар раҳбарлари ҳамда туман ҳокимининг соҳалар бўйича ўринбосарлари ва тегишли ташкилот раҳбарлари шахсан масъул этиб белгилансин.

7. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Тўламирзаев йўл хаританинг **1-иловасига** мувофиқ туманни 2022 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳар ҳафта муҳокама қилиб борилишини таъминласин.

8. Туман ҳокимининг ўринбосарри С.Турсунов, С.Собитхўжаевлар йўл хаританинг **2-иловасига** мувофиқ 2022 йилда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни бажариши ижроси бўйича ҳар ҳафта муҳокама қилиб борилсинлар.

9. Туман ҳокимининг ўринбосар У.Жўраев йўл хаританинг **3-иловасига** мувофиқ 2022 йилда амалга ошириладиган ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг ижроси бўйича ҳар ҳафта тегишли масъуллар иштирокида муҳокамалар ўтказсин.

10. Туман ҳокимининг ўринбосари У.Жўраев йўл хаританинг **4-иловасига** мувофиқ янги ташкил этилаётган “Кичик саноат зоналар” да амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида ҳар ҳафта тегишли масъуллар иштирокида муҳокама қилиб борсин.

11. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Тўламирзаев тадбиркорликни молиявий кўллаб-қувватлаш ишларини давом эттириш мақсадида 840 нафар кредитга эҳтиёжманд оилаларга 65,0 млрд.сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминласин.

12. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Тўламирзаев Аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш бўйича 15320 нафар фуқароларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

13. Туман ҳокимининг ўринбосарлари Б.Тўламирзаев И.Исмаиловлар паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириб, аҳолига танлов асосида ер майдонларини ижарага бериш юзасидан Ер участкаларини тақсимлаш ҳисобига 887 гектар ер майдонларини 0.15 га ижарага бериш

орқали 5913 нафар аҳолининг бандлиги таъминласинлар.

14. Туман ҳокимининг ўринбосари У.Жўраев Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича Инвестиция лойиҳалари ҳамда КСЗ соҳаси ривожлантириш чораларини кўрсин.

15. Туман ҳокимининг ўринбосари С.Собитхўжаев қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича “Деҳқонобод” маҳалласи ҳудудидаги 1 гектар ер майдонида эҳтиёжманд оилаларни арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш мақсадида “Янги Ўзбекистон” турар-жой массивини барпо этилсин.

17. Туман ҳокимининг ўринбосари С.Собитхўжаев Давлат дастури доирасида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича Сув таъминоти оғир бўлган 8 та маҳалла фуқаролар йиғини 42 км ичимлик суви тармоғи қуришга амалий ёрдам кўрсатилсин. Туманга 1 км ер ости газ қувурларини реконструкция қилишга амалий ёрдам берилсин ҳамда электр таъминоти оғир бўлган 29 та маҳалла фуқаролар йиғини 22 та ТП ва 87,9 км тармоқ таъмирлашга амалий ёрдам берилсин.

18. Туман ҳокимининг ўринбосари Б.Тўламирзаев, У.Жўраевлар Йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бўйича "MR-Fish Namangan" МЧЖда 48,5 млрд сўмлик интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳасини ишга тушуриш ҳамда 20 та янги иш ўринлари яратиш, “IYA FISHON FISH INTERPRICE” ХК томонидан 4,9 млрд сўмлик интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳасини ишга тушириш ҳисобига 50 та янги иш ўрин яратиш чораларини кўрсинлар.

19. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Учкўрғон туман Кенгаши доимий комиссиялари зиммасига юклансин.

Сессия раиси



Yunusov X. O.